

ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ирода Акбарова Акрамовна
Қарши давлат университети инглиз тили ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада талабаларнинг касбий компетенциясини интегратив ёндашув асосида ривожлантириш масаласи кўрсатилган. Фанларнинг интеграциясининг аҳамияти берилган.

Калим сўзлар. Интеграция, компетентлик, компетенция, интегратив ёндашув, касбий, ривожлантириш, мутахасис.

DEVELOPING PROFESSIONAL COMPETENCE OF STUDENTS ON THE BASIS OF INTEGRATIVE APPROACH

Akbarova Iroda Akramovna
Karshi state university teacher of English

Annotation. This article addresses the issue of developing students' professional competencies based on an integrated approach. The importance of the integration of sciences is given.

Keywords. Integration, competence, competence, integrative approach, professional, development, specialist.

Бугунги кунга келиб техника тараққиёти жуда тез ривожланиб бормоқда. Ҳар бир соҳа учун замонавий техникалар кун сайин янгилиниб, мутахасисдан доимо изланиш талаб қилмоқда. Бундай ривожланиш даврида олий таълим муассасалари талабаларини замон талабларига монанд, иш берувчилар талабларига мос, ишлаб чиқариш техникаларини амалиётда қўллаш олидаган ва жамоавий ишлай оладиган кадр қилиб тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу масалаларнинг ечимини топиш ва олий таълим муассасаларда уни амалга ошириш устида кўплаб ислохатлар амалга оширилиб бориляпти. Олий таълим муассасаларида умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўзаро интеграциясини ва касбга йўналтирилган таълимни жорий этиш бўлажак кадрларни тайёрлашда муҳим

аҳамият касб этади. Барча фанларни ўқитиш тизимли мувофиқлаштирилган бўлиши, бу ягона мақсад – давр талабларига мувофиқ касбий мослаша оладиган тармоқли мутахассисларни тайёрлашга қаратилган бўлмоғи лозим. Таълим сифатини ошириш – бу бугунги кунда бутун жаҳон ҳамжамиятидаги энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Уни ҳал этиш учун эса, таълим мазмунини модернизациялаш, таълим жараёни технологияларини ва сўзсиз таълимнинг яқиний мақсадини қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Шу контекстда мутахассисларни касбий компетентлигини ва касбий мослаша ола билиши, ўзлаштирган билимларини касбий фаолиятида қўллай олиши ва иш берувчининг талабларига мослаша олишини ривжлантириш зарур.

М.А.Инназаров фикрича **касбий компетентлик** – шахсининг фаолиятда мустақил, муваффақиятли иштирокини таъминлашга йўналтирилган таълим ва ижтимоийлаш жараёнида мавжуд билимлари, тажрибасига асосланувчи ҳамда касбий фаолият самарадорлигини таъминловчи билим, кўникма ва малакалари, тажриба, шахсий сифатлари йиғиндисидир [3]. *Касбий компетентлик* – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши. Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутди. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади. Касбий компетентлик қуйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади:

- мураккаб жараёнларда;
- ноаниқ вазифаларни бажаришда;
- бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланишда;
- қўтилмаган вазиятда ҳаракат режасига эга бўла олишда

Касбий компетенцияга эга мутахассис:

- ўз билимларини изчил бойитиб боради;
- янги ахборотларни ўзлаштиради;
- давр талабларини чуқур англайди;
- янги билимларни излаб топади;
- уларни қайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллайди [1].

Бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда фанлар интеграциясини амалга ошириш самарали усул бўлиб, у фан мавзуларини ўзаро боўлиқлиги ва фанлар аро боғланишларни талаб этади. Таълим тизимига татбиқ этилганида, "интеграция" концепция икки хил маънога эга: *биринчи навбатда*, талабалар атрофидаги дунёни яхлит кўринишини ҳосил қилади (бу ерда интеграция таълимнинг мақсади деб хисобланади), *иккинчидан*, у мавзу билимларининг яқинлашиши учун умумий платформани топади (бу ерда интеграция - ўрганиш воситаси). Амалда билимларни интеграциялашувидан мақсадга йўналтирилмаган ҳолда фойдаланиш кўпроқ даражада амалга оширилади. Узоқ муддатли кузатувлар шуни кўрсатадики, талабалар фанларни ўрганишда билим, кўникма ва малакаларни қўллашда қийинчиликларга дуч келади. Уларнинг мустақил фикрлашга эга эмаслиги, олинган билимларни ўхшаш бўлган масалаларга татбиғи ёки бошқа ҳолатларга ўтказиш қобилияти кабилар шаклланмаган бўлади. Таълим фаолиятида умумий мотивация асосида талабалар турли мавзуларга аниқ муносабатда бўлишади. Мавзунинг касбий таълимга йўналган бўлиши муайян билим соҳасига бўлган қизиқиш ва унинг бир қисми таълим сифатига мослашиш, объектни ўзлаштириш каби қобилиятларнинг муҳимлиги билан белгиланади. Математик ва табиий-илмий фанларини ўқитиш методлари қуйидагиларни таъмилаш керак: касбий ва амалий аҳамиятга боғлиқликни; математик ва табиий-илмий фанларини умумқасбий ва ихтисослик фанлар билан бирлаштирилишни; математик дастурлар ёрдамида талабаларнинг когнитив ишлашини; рағбатлантиришни.

Бўлажак мутахассислар касбий компетенциясини ривожлантириш мақсадида лаборатория иши ва компьютер дастурларини интеграция қилиш амалиёти қуйидагиларни амалга оширишга имкон беради: назарий курс бўйича билимларни мустаҳкамлаш ва амалий таҳлил қилиш; машғулотга кизиқишни ва машғулотнинг мотивациясини кучайтириш; ахборот тақдим этиш имкониятларини кенгайтириш (ранг, анимация, мусиқа, овозли нутқ); талабаларнинг хотира, ҳис қилиш, фикрлаш ва ҳоказоларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, индивидуаллаштирилган таълимни яратиш [2]. Математик ва табиий-илмий фанларини умумкасбий ва ихтисослик фанлар билан интеграцияси асосида амалга оширувчи ўқитиш шакллари комбинациялаш, турли даража ва йўналишларда интеграциялашишни қўллаш бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенциясини ривожлантиришга ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари / . Т.2015: «Sano-standart» 4-5-б. *Ўқув-методик қўлланма*
2. Колягин Ю.М. *Задачи в обучении математике. Часть I. Математические задачи как средство обучения и развития учащихся [текст] / Ю.М. Колягин. - М.: Просвещение, 1977. - 110 с.*
3. М.А.Инназаров. Малака ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш технологияларини такомиллаштириш (Олий таълим муассасалари мисолида). Автореферат. пед.фан.фал.док. – Т. 2020. 11-б.